ТИЛ ВА ТАФАККУР МУНОСАБАТИ ВА ТИЛШУНОСЛИКДА АНТРОПОЦЕНТРИЗМ ТАМОЙИЛИ ХУСУСИДА

Ф.Усмонов

Мақолада тил ва маданият, тил ва тафаккур муносабатдорлиги масалаларининг ўрганилиши тарихи, тилшуносликдаги учта асосий – қиёсий-тарихий, систем-структур ва антропоцентрик илмий парадигмаларда мазкур масала тутган мавқе қисқача ёритиб берилган.

Калит сўзлар: *тил, тафаккур, маданият, менталитет, лингвистик нисбийлик назарияси, когнитив жараён, семантик примитив, код, предмет коди, образ.*

В статье представлен краткий обзор истории изучения взаимоотношений языка и культуры, языка и мышления, а также показано место данной проблемы в каждой из трех – сравнительно-исторической, системно-структурной и антропоцентрической парадигмах лингвистики.

Ключевые слова: *язык, мышление, культура, менталитет, теория лингвистической относительности, когнитивный процесс, семантический примитив, код, предметный код, образ.*

This article contains a short servey of the history of study of interrelations of the language and cultures, language and though and it dsplays the place of this studyin three branches of linguistics –comparative-historical, structural and antropocentral paradigms.

Key words*: thought, culture, instinct, spirituality, mentality, theory of linguistic relations, cognitive processes, semantic primitives, code, subject code, lingvoculturology, antropolinguistics.*

Ф.Усмонов *– АДУ тилшунослик кафедраси ўқитувчиси*

Маълумки, тил инсониятнинг энг катта ютуқларидандир. Бу сирларга бой ҳилқатнинг табиати, ривожланиш қонуниятлари, тилнинг “ҳаёт тарзи” асрлар давомида олимлар эътиборини тортиб келган. Тил ва тафаккур, тил ва маданият ўртасидаги алоқа масаласи ўз долзарблигини йўқотмайдиган масалалардан ҳисобланади.

Тил билан миллий маданиятнинг боғлиқлиги шубҳасиз. Борлиқ ҳақидаги тасаввурлар, тушунчалар ўз-ўзидан эмас, инсоннинг ҳаёт фаолияти давомида пайдо бўлади. Фаолияти давомида инсон ўзини ўраб турган олам ҳақида маълумотлар тўплайди ва бу маълумотларни тилда акслантиради, маданият эса ушбу воқеликнинг ажралмас қисмидир.

Вилгельм фон Гумбольдтнинг фикрича, инсон сир-асрорлари ва халқларнинг ўзига хослигини англашдек вазифани ҳеч нарса уларнинг тилидек мукаммал бажаришга қодир эмас. Шундай экан, турли тилларнинг ўзига хос томонлари, улар ўртасидаги фарқларни тушунтиришда бу фарқларнинг асосида ётувчи энг олий принципни белгилаб олиш лозим. Гумбольдт қиёсий тилшуносликка тилларни таснифлаш мақсадида киритган “халқ руҳи” тушунчаси ана шу олий принципни ифодалайди. У “халқ руҳи” атамаси остида халқнинг руҳий ўзига хослиги, интеллектуал қадриятлар, миллий маданият тушунчаларини назарда тутиб, моддий ва маънавий маданият тилда мужассамланишини, ҳар қандай маданият “халқ руҳи”ни акс эттиришини, тил билан “халқ руҳи”нинг ўзаро узвий боғлиқлиги, ҳатто уларнинг тенглигини [1.200], тилнинг моҳиятига шундай ёндашувгина тиллар фарқланишини тушунтириши мумкинлигини таъкидлайди. Гумбольдт тилни “интеллектуал инстинкт” (intellectueller Instinct) деб атаган ҳолда, унинг антропологик феномен сифатида ўзига хослигига эътибор қаратади. Унинг қайд этишича, тил “оламни фикрга айлантириши” нуқтаи назаридан ўта интеллектуал фаол феномен сифатида намоён бўлади. Чунки у “авлодлар руҳида ўлик масса сифатида ётмайди, у инсон тафаккур жараёнлари учун қомус бўлиб хизмат қилади” [2.8]. Гумбольдт “тил инсоннинг интеллектуал фаолияти маҳсули, тил ва “халқ руҳи” алоҳида-алоҳида эмас, кетма-кет эмас, бир-бири билан чамбарчас боғлиқликда тенг ривожланади”[2.10] деб ҳисоблайди. Бу тушунча шундай мураккаб моҳиятки, “халқнинг руҳи” унинг тили орқали воқеланади, бир вақтнинг ўзида тил “халқ руҳи”нинг меъмори ҳамдир. Шундай қилиб, “халқ руҳи”ни шакллантирган нарса унинг тили экан, тил қурилиши шу миллатнинг бутун маънавий борлиғидир. Тил ўзи мансуб бўлган халқни “сеҳрли ҳалқа”га ўраб олади. Бу ҳалқадан фақат яна бир бошқа ҳалқага ўтибгина чиқиш мумкин.

У сўзнинг белгилик табиатига қўшилади, аммо таъкидлайдики, бу борада эҳтиёткор бўлиш керак: тилга белгилар системаси деб ёндашиш унинг барча “жонли” ва “руҳий” томонларини “ўлимга маҳкум этади”. Шунинг учун муайян сўз муайян нарса ва тушунчага ишора қилган вақтда белгидир. Барча сўзлар йиғиндиси – тил эса объектив олам ва инсон оралиғидаги оламдир. Шундай қилиб, Гумбольдтнинг бу фикрлари тилнинг нарса номлари номенклатураси сифатида талқин этилишига йўл қўймайди. Ҳар бир тил оламни тил эгаси бўлган халққа боғлиқ равишда ўзича тасвирлайди. В.Гумбольдтнинг бу ғояси кейинчалик Америка тилшунослари Э.Сепир ва Б.Уорфлар томонидан лингвистик нисбийлик назарияси яратилишига асос бўлди. Э.Сепир “маданият” тушунчаси одатда санъат, фан ва дин тушунчалари билан чегараланиши, бу эса мақсадга мувофиқ эмаслигини баён қилади. Зеро, маданият тушунчаси остида муайян миллатнинг эътиқоди ёки ўз фаолиятининг маҳсулидан ҳам кўра унинг шу маҳсулотга муносабати, шу эътиқоднинг ва маҳсулотнинг миллат ҳаётида тутган ўрни назарда тутилмоғи лозим [3.469]. Унинг фикрича, жамиятнинг фаолият тарзи ва фикрлашини маданият белгиласа, айнан қандай фикрлашини тил белгилайди. Бу эса тилга нафақат маданиятдан мустақиллик мақомини беради, балки уларнинг ўзаро муносабатида белгиловчилик аҳамиятини ҳам юклайди.

Б.Уорфнинг қайд этишича, ҳар қандай тил фикр ифодалашнинг қуролигина эмас, аксинча, инсоннинг фикрлаши, барча тафаккур жараёнлари учун грамматика дастурул амал бўлиб хизмат қилади [4].

Қисқача айтганда, Сепир-Уорф гипотезасининг марказида инсонлар оламни ўз тиллари доирасида идрок қиладилар, турли тиллар объектив борлиқни турлича тасвирлайди, деган фикр ётади. Тафаккур даражаси тил структурасига боғлиқ: турли тил шакллари турли тафаккур шакллари ва меъёрларининг туғилишига олиб келади, деб ҳисобланади [1.201]. Кўринадики, тил ва маданият муносабатдорлиги ҳақидаги баҳс, аслида, тил ва тафаккур ҳақидаги баҳсдир.

Янгигумбольдтчиларнинг типик вакили Л.Вайсгербернинг фикрича, тилнинг тафаккурга таъсири “белги қонуни” ва “майдон қонуни” орқали амалга ошади. Тил белгисини тушунчага тенглаштирган ҳолда, ҳар бир халқ лингвистик белгилар “товушланиш”ига мувофиқ келадиган тушунчаларгагина эга бўлади. Тилда у ёки бу лисоний белги, яъни товуш ифодаси бўлмаса, унга мос

келадиган тушунча ҳам бўлмайди... фақат “тафаккур типи”гина эмас, муайян тилда гаплашувчи кишиларнинг ўзини қуршаб турган оламни билиши ҳам тўғридан-тўғри тилга боғлиқ [5.17].

Австралия аборигенлари тилини таҳлил қилган инглиз олими К.Р.Холлпайк уларнинг тилида айрим соф когнитив жараёнларнинг лингвистик ифодаси мавжуд эмаслигини кузатади. Аборигенлар тафаккурини “примитив тафаккур” деб атаган ҳолда, тил фактлари асосида примитив тафаккур абстракциялаш қудратига эга эмаслигини тахмин қилади. Бу билан Холлпайк Вайсгербернинг қарашларига яқин хулосага келган.

Холлпайкнинг фикрларига танқид кўзи билан қараган А.Вежбицкаянинг фикрича, барча инсонлар бир хилда тафаккур имкониятларига эгалар. Барча тилларнинг ифода қудрати ҳам, умуман, тенг. Шунчаки баъзи тушунчаларни айрим тилларда ифодалаш бошқаларига нисбатан осонроқ. Масалан, инглиз тилида “билмаслик”ни ифодаловчи сўз (лексема) йўқ. Лекин бу инглиззабон австралияликлар ва аборигенлар ўртасидаги коммуникацияда муаммо туғдирмайди. Чунки инглиз тилида “билмоқ” ҳамда инкорнинг ифодаси бўлган сўзлар мавжуд. Шунингдек махсус ифодаловчисига эга эмаслик бирор тушунчанинг умуман йўқлиги ҳақида хулоса чиқаришга асос бўла олмайди. Ушбу тушунча бирор суффикс ёрдамида ёки маълум нутқ вазиятида полисемантик сўз орқали ҳам ифодаланиши мумкин. А.Вежбицкая Янги Гвинея қабилалари оммур тилида “тушуниш” ҳамда “эшитиш” маъноларининг ифодаловчиси бир сўз *(iero)* эканлигига шундай муносабат билдиради: *“инглиз тилида ҳам бир сўз (see) икки – “кўрмоқ” ҳамда “тушунмоқ” маъноларида қўлланиши (I* ***see*** *you – Мен сизни кўряпман. I* ***see*** *what you mean - Мен сизнинг нимани назарда тутаётганингизни тушунянман) мумкин. Бу тил эгаларининг кўриш ҳамда тушуниш ўртасидаги фарқни англамаслигидан далолат бермайди. Нега энди инглиз тилидаги “see” учун кўп маънолилик мумкин, оммур тилидаги “iero” эса кўп маъноли бўлиши мумкин эмас?”*[6.310]. Олиманинг фикрича, лисоний ва маданий системалар бир-биридан тубдан фарқ қилади. Аммо инсонлар тили, тафаккури ва маданияти асосланадиган умумий тушунчалар базасини ташкил этувчи семантик универсалиялар борки, бу универсалия-примитивлар бевосита лексик ифодаловчисига эга бўлиши шарт. Бундай семантик примитивларга муаллифнинг фикрича, “ўйламоқ”, “агар”, “барча”, “йўқ” (инкор) метапредикатлари, “ўйламоқ” ва “билмоқ” ақлий фаолият предикатлари ва бошқалар киради [6.324-325].

Юқоридаги фикр билан рус психолингвисти Н.И.Жинкин томонидан яратилган универсал-предмет кодлари ҳақидаги назария ўртасида маълум аналогияни кўришимиз мумкин. Ушбу назарияга кўра, барча инсонлар объектив олам элементларини бир хил идрок этадилар. Демак, ҳар бир инсон онгида шу элементларнинг изи – схемаси универсалдир. Жинкин назариясида универсал предмет кодлари марказий ўринни эгаллайди. Универсал предмет кодлари таркибини инсон билимлар захирасини шакллантирувчи ҳиссий образлар ташкил этади. Табиий тилсиз мулоқотнинг амалга ошиши мумкин эмас бўлмаганидек, тасвирловчи, Н.Жинкиннинг таъбири билан айтганда, “ички нутқ тили”сиз табиий тилнинг амал қилиши ҳам мумкин эмас [7.26-38; 8.157]. Нутқ шу ички субъектив тилдан ташқи объектив тилга кўчиш амалиёти, перцепция эса юқоридаги жараённинг аксидир. Тафаккур жараёнлари учун таянч айнан универсал предмет кодлари ҳисобланади. Бирор амалий соҳа, масалан, ўтин ёриш, машина ҳайдаш кўникмаларига эга бўлиш учун тилга эҳтиёж сезилмаслиги мумкин. Шундай қилиб, тафаккур жараёнлари тил билан шартланган эмас. Миллий тилнинг беқиёс қудрати шундаки, ҳеч бир восита у каби инсоннинг тафаккури ҳақида муфассал гувоҳлик бера олмайди. Лекин бу тил ва тафаккур муносабатида детерминизм (сабабий тобелилик) бор, дегани эмас.

Жаҳон цивилизациясидаги сиёсий, иқтисодий ўзгаришлар, шу билан бирга, кейинги йилларда жадаллик билан ўсиб бораётган глобаллашув жараёни жамият ҳаётида, унинг маданияти ва тилида ҳам ўз аксини кўрсатмоқда. Бунинг натижасида тилни ўрганиш ракурси ўзгарди. Ҳозирги тилшуносликда лисоний бирликларни “тил ўзи ичида ва ўзи учун” асосида эмас, балки “тил ва унинг эгаси” муносабатдорлигида ўрганиш биринчи планга ўтди.

Анъанага кўра, тилшуносликда уч – қиёсий-тарихий, систем-структур ва антропоцентрик илмий парадигмалари ажратилади.

Қиёсий тарихий парадигма тилни текширишнинг биринчи махсус илмий методи бўлиб, бутун XIX аср ушбу парадигма етакчилигида ўтди [1].

Систем-структур йўналишда эса асосий эътибор нарса, предмет, номга қаратилгани боис унинг диққат марказида сўз туради. Тилга системавий ёндашув ўз аҳамиятини йўқотганича йўқ. Маълумки, тилшунослик каби гуманитар фанларда тадқиқот методлари бири иккинчисининг ўрнини эгаллаши шарт эмас. Улар бир фан доирасида тенг истиқомат қилишлари мумкин. Ундан ташқари структур метод тил тадқиқида кўп муваффаққи-

ятларга эришди ва эришмоқда. Аммо бу икки илмий парадигма тилни тадқиқ этишда унинг эгасини четда қолдиради.

Антропоцентрик парадигма лисоний тизимни инсон призмаси орқали ўрганади. Яъни, тил ўз субъекти, унинг миллий менталитети, миллий маданияти ва бошқа ажралмас хислатлари билан бирга тадқиқ этилади. Бунда "илмий объектлар биринчи навбатда инсон учун, унинг ҳаёт фаолиятида, шахснинг ривожланиши учун аҳамияти нуқтаи назаридан ўрганилади" [9.6]. Зеро, XXI аср тилшунослиги тил ҳодисаларини тавсифлаш билан чекланиб қолмаслиги лозим. Эндиликда тилни ўрганишда унинг маданият билан муносабатини ёритиш муҳимдир. Антропоцентрик парадигма тармоқларидан бири – лисоний маданиятшунослик ёки лингвокультурологиянинг биринчи вазифаси ҳам айнан шудир. Ушбу йўналиш миллий тафаккур, миллий онг, миллий маданият, миллий маънавият, миллий менталитет, миллий характер, умуман, миллий маданиятнинг тил билан муносабатдорлиги масаласини ёритишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди [10.10].

Маълумки, инсон тафаккур жараёнлари учун образлилик хос. Халқнинг миллий ўзига хослиги, менталитети - бу унинг маданиятидир. Миллий менталитетга хос турғунлашган ахлоқ қоидалари, қадриятлар, айниқса, миллий тилнинг барқарор бирликларида ёрқин акс этади. Зеро, барқарор бирликларда асрлар давомида шаклланган, асосланган, умуммиллий характердаги маданий код – образлар сақланади.

Бир-биридан анча йироқ рус ва ўзбек этномаданиятларида асрамоқ, сақламоқ, эҳтиётламоқ маъноларини образли ифодалаш учун *кўз қорачиғидай (как зеницу ока)* турғун ўхшатиши ишлатилади. Образ яратишдаги ўзига хослик жуда қизиқарли ўхшатишларни юзага келтиради. Бундай ўхшатиш эталонларида миллий-маданий коннотация (Н.Маҳмудов) ўз аксини топади. Масалан, ўзбек тилида *балиқдек сузмоқ, балиқдек оғзини каппа-каппа очмоқ* ўхшатишида эталон сассиз, сув ичида эркин ҳаракат қиладиган жонзотдир [11.33]. Худди шу жонзот инглиз тилидаги *as dumb as fish (балиқдай тўнка, каллаварам, аҳмоқ)* ўхшатишида эса умуман бошқа ўлчов учун эталон вазифасини ўтаганини кузатиш мумкин. Шунингдек, асосан кичкина, ихчам, думалоққа мойил шаклдаги нарса, жойлар ҳақида хабар берувчи *дўппидай (дўппидай ош, дўппидай ҳовли), мусичадай (мусичадай беозор), саватдек (саватдек салла, саватдек соч)* ўхшатишларини эса бошқа тилларда учратиш қийин. Бу ўхшатиш ҳақиқий миллий руҳга бурканган образдир. Ўйламизки, барқарор бирликларда образ яратишнинг лингвокогнитив механизмини ўрганиш ўзбек антрополингвистикаси ривожига салмоқли ҳисса қўшади.

Адабиётлар:

1. Нурмонов А. Лингвистик таълимотлар тарихи. Танланган асарлар. 2-жилд. –Т., 2012.
2. Гумбольдт В. Избранные труды по языкознанию.- М., 1984.
3. Сепир Э. Избранные труды по языкознанию и культурологии. -М., 1993.
4. Базарова Л.В. К вопросу о соотношении языка и культуры /www.philology.ru/bazarova.htm.
5. Нурмонов А. Лингвистик нисбийлик ва лингвистик детерминизм назариялари ҳақида мулоҳазалар. // Ўзбек тили ва адабиёти.- 2013.- №5.
6. Вежбицкая А. Язык. Культура. Познание. - М., 1996.
7. Жинкин Н.И. О кодовых переходах во внутренней речи. // Вопросы языкознания.-М.-1964.- №6.
8. Жинкин Н.И. Речь как проводник информации.- М., 1982.
9. Токарев Г.В. Лингвокультурология.- Тула, 2009.
10. Маслова В.А. Лингвокультурология. - М., 2001.
11. Маҳмудов Н., Худойберганова Д. Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати.– Т., 2013

2015 йил 10 февралда қабул қилинган
(Тақризчи: ф.ф.д. Д.Набиева)